# ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



**республика илмий-назарий анжумани материаллари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» кафедраси**

# «ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ»

**мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари**

**XV**

**Бухоро – 2022**

«**Тарихий хотира – ўзликни англаш ва миллий-маънавий тараққиёт омили**» мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани Бухоро муҳандислик-технология институтида ПЗ-20170930386 шифрли «Ўзбекистонда миллий қадриятлар, диний бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда фалсафий мероснинг ўрнини илмий тадқиқ этиш асосида Ўзбекистон фалсафаси тарихи (3 томлик ўзбек тилида) китобининг III томини нашрга тайёрлаш» амалий лойиҳаси билан ҳамкорликда ўтказилган.

Анжуман тўпламига киритилган материаллар ёшларга Ўзбекистон тарихини ўргатиш халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериш билан биргаликда уларни ватанпарвар, маънавий жиҳатдан баркамол инсон этиб шакллантиришга хизмат қилади. Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи талаба-ёшлар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** фалсафа фанлар номзоди, доцент
**Э.Х.Зоиров**

**Тақризчилар:** фалсафа фанлари доктори, профессор
**Г.Н.Наврўзова**
тарих фанлари номзоди
**Т.Т.Сафаров**
тарих фанлари номзоди
**Ю.А.Шукруллаев**

**Таҳрир ҳайъати:** кафедра катта ўқитувчиси
**А.А.Азимов**

**Бухоро – 2022**

ўрни, обрўси, унга ажратиладиган эътибор, ҳурмат шу даражада баланд бўлади, унинг нуфузи шу даражада юксак бўлади.

Қадриятлар — жамиятда, кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси. Қадриятлар тушунчаси воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланилади. Қадриятларни бундай таърифлаш тугри ва асосли. Аммо шўролар даврида қадриятлар бир томонлама ёритилар эди, яъни бу борада кўп тадқиқотлар ёзилар, бироқ масала умуман қўйилар, миллий қадриятлар ҳам мавжудлиги эътибордан четда қоларди. Бундай «ёритиш»дан мақсад ҳар бир миллатнинг ўз муайян тарихий тажрибаси асосида ўз қадриятлари тизими шаклланганига кишиларнинг эътиборини тортмаслик, умумжаҳон, умумбашарий қадриятларда эса синфий асосда белгиланган қадриятларга эътибор берилар, бу синфий асосда танлаб олинган умумжаҳон қадриятлари ичида энг нуфузли жойни улуг миллатнинг қадриятлари эгаллаб турарди.

Бундай «назариётчилик»нинг оқибати ва натижаси маълум: шўро даврида Ўзбекисгонда миллий қадриятлар, ва шу жумладан, ўзбек миллатининг қадриятлари тўғрисида нуфузли илмий китоб чиққани йўқ.

Мустақиллик туфайли биз ҳақиқий қадриятларимизни билиб олдик. У ҳам бўлса тадрижийлик, андишалилик, қийинчилик ва бўҳрон пайтида сабр-тоқат, маромлилик ва вазминлик, мулозаматда сертакаллуфлилик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва ҳоказолар.

Миллатларнинг ўз – ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

## БУХОРО ВОҲАСИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР.

*Нафиддинова Х.Р. – Бухоро давлат Университети*

Наврўз қадим замонлардан бизгача етиб келган муҳташам қадриятлар-дан бири, умумхалқ байрамидир. Унинг таркибига қадимги ота-боболари-мизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг қарашларигача бўлган маънавий олами сингиб кетган бўлиб, у инсоният маданий тараққиётининг ҳар бир ютуғидан доимо куч ва қувват олиб туради.

Наврўз Ўрта Осиё халқларининг қадимий баҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш билан боғлиқ байрам ҳисобланади. Пайдо бўлиш тарихига назар

ташласак, уч ярим мингйилликка бориб тақалади. Бу шодиёна йил янгиланиши билан боғлиқ. У халқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетган. Наврўз байрами билан боғлиқ жуда ҳам кўп урф-одат, анъана ва маросимлар мавжуд. Наврўз қачон, қандай вужудга келганидан қатъий назар, у ҳар томонлама илмий асосланиб, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб қабул қилинган[1].

Наврўз – «янги кун» деган маънони билдиради. Наврўз эски қуёш календари ҳисобида фарвордин ойининг бошланишига ҳозирги 22 мартга тўғри келади.

Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси «Қозон тўлди» удуми билан бошланади. «Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўзининг иқтисодий аҳволига қараб тансиқ таомлар, кўкдан пишириқлар, бўғирсоқлар тайёрлайди. «Қозон тўлди» оқшомида тайёрланган таомлар ва пишириқлар қўни-қўшниларга тарқатилган[2]. Оқшомда кечаси билан кўпчилик билан сумалак ва ҳалим пиширилган. Бу таомлар қозони эртасига очилган. Наврўзда «Қозон тўлди» қилиш анъанаси аждодларимизнинг ҳосилдорлик ва барака билан алоқадор қадимий эътиқодлари билан боғлиқ. Қозонлар тўлиши мўлкўл ҳосил тимсоли, тўкин-сочинлик, қут-барака тимсоли ҳисобланган.

Воҳада кенг нишонланадиган маросимлардан яна бири бу мучал тўйини нишонлаш ҳисобланади. Одатда бу маросим умрнинг бир давридан иккинчисига ўтишда (яъни, 12-13, 24-25, 36-37... ёшда) нишонланади. Кўп ҳолларда воҳада ушбу маросимнинг биринчи мучал алмашиши яъни, ўғил-қизларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиши тантана сифатида байрам қилинади.

Бу тантана одатда Наврўз байрамида нишонланади. Чунки Шарқ халқлари ҳам азалдан фойдаланиб келган тақвимлардан бири бу ўн икки йиллик «мучал тақвими» бўлиб, у баҳорги тенгкунлик 21-мартдан сўнг бошланади. Қадимги Шарқ халқларининг фалсафий ва астрономик қарашлари, тақвимий билимлари ҳосиласи бўлган мучал тақвими ҳозирга қадар қўлланилади.

Ушбу тақвим қуйидаги 12 ҳайвон номи билан аталади. Булар қуйидагилар: сичқон, сигир, йўлбарс (қоплон), қуён, балиқ (тимсоҳ), илон (аждар), от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз йилларидан иборат.

---

[1] https://meros.uz/uzc/object/navroz--bayrami
[2] Мирзаев Т. Наврўз. Тошкент: Фан, 1992. –Б.10.

Мучал ёшига бағишланган маросим оилада ота ва она томонидан бўлган қариндошлар иштирокида ҳамда қўни-қўшни, қариндош-уруғлар иштирокида ташкиллаштирилган. Бу маросим катта тантанага айланган ва маросим қатнашчиларига махсус зиёфат берилган. Зиёфатлар турли жойларда турлича ўтказилган.

Бухоронинг баъзи ҳудудларида дастурхони ёзилган уйнинг қоқ ўртасига зағома тарози (паллали тарози) остирилган (зағомалар тагига чарм қопланган бўлиб, улар тарозига палла вазифасини ўтаган). «Мучали нишонланаётган бола шу зағома, яъни палланинг бирига солиниб, тарозининг иккинчи палласига каллақанд солинган. Каллақанд солинган палла бола турган палладан оғир келгач, болани дастурхон тўрига ўтқизганлар. Унинг вазни бараварлигидаги каллақанд эса дастурхон атрофидагиларга тенг тақсимланиб, кулча устига қўйиб улашилган. Йиғилганлар хурсандчилик қилишган ва шу билан маросим тугаган.

Ўн иккига тўлган барча ўғил-қизлар оқ либос кийишиб, бир жойга тўпланишган. Мучал ёшига тўлган ўғил-қизлар бир-бирини қутлашган. Сўнгра улар кўчаларда бирга сайр қилишган. Қадимда мучал ёшига бағишланган сайил Наврўз байрами тадбирларига қўшиб ўтказилган. «Оқ либос»ли ёшлар Наврўз ўтказилаётган жойга кириб келишганида барча уларни қутлашган. Кичик ёшли болалар уларга баҳор гуллари тақдим этишган. Қариялар уларни дуо қилишган. Мучал ёшидагилар баҳор байрамининг рамзий қаҳрамонларига айланишган. Мучал тўйининг якунида 7-8 мучал ёшини яшаган (тахминан, 70 дан ошган) қариялардан бири ўсмирларни дуо қилган.

Аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилишига қарамай бу маросимнинг муқаддас бўлган динимиз исломга алоқаси йўқ. Мучалнинг шариатга ҳам ҳеч қандай дахли йўқ. Бу ҳақида Қуръонда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам бирон нарса айтилмаган[1]. Мучал асосан туркий халқлар орасида тарқалган.

Мучалда ҳайвонларни муқаддаслаштириш, улуғлаш, уларга сиғиниш каби иллатлар ҳам бор. Баъзилар мучал ёшида инсонда турли ўзгаришлар юз беришини айтишган. Лекин бу инсоният даврлар ўтиб кашф қилган нарсалигини унутмаслик керак.

[1] https://www.qadriyat.uz/savol/1184-muchal-yoshi-marosimlari-dinimizda-bormi

## МУНДАРИЖА

КИРИШ....4
ВУҚУФИ АДАДИ РАШҲАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. ***Наврўзова Г.Н.*** .... 5
БУХОРОДА АБУЛФАЙЗХОН ҲУКМРОНЛИГИ. ***Мирзақулов Б.Т.*** .... 7
НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ФАЛСАФАСИ. ***Зойиров Э.Х., Сирожова М.*** .... 9
ИСТОРИЧЕСКАЯ ПАМЯТЬ И ПОЛИТИКА СТРАН ВОСТОКА. ***Бафоев Ф.М.*** .... 12
БУХОРОЛИК МАЪРИФАТПАРВАР САДРИ ЗИЁ ВА УНИНГ ШАХСИЙ КУТУБХОНАСИ. ***Мухамеджанова Л.П.*** .... 16
TARIX FANI METODOLOGIYASINING DOLZARB MASALASI. ***Haydarov Yu.H.*** .... 20
ИСТОРИЧЕСКАЯ НАУКА:СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД. ***Бафаев Ф.М., Муртазоев Ф.Ф.*** .... 24
ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ КУЧАЙИШИ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ. ***Мирзақулов Б.Т.*** .... 26
YOSHLARIMIZNI TARIXIY BILIMLAR BILAN QUROLLANTIRISH ZARURATI. ***Nurmatova N.U.*** .... 28
TARIX, DAVLAT VA JAMIYAT HAQIDAGI QARASHLARNI O`RGATISHDA MUHIM MANBA. ***Haydarov Yu.H.*** .... 31
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. ***Наврўзова Г.Г., Рахмонова М.*** .... 34
НАВРЎЗ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. ***Каримов Б.Х.*** .... 40
ХОЖАГОН ТАЪЛИМОТИДАГИ «ҲУШ ДАР ДАМ» РАШҲАСИНИНГ МОҲИЯТИ. ***Нурматова Н.У.*** .... 44
XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ЗЎРАВОНЛИК ТУЗУМИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ. ***Рашидов О.Р.*** .... 47
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ – ЭНЦИКЛОПЕДИК ОЛИМ. ***Каримов Б.Х.*** .... 50
TARIXIY XOTIRANI MUSTAHKAMLASHDA FANLARARO INTEGRATSIYANING O`RNI ( TARIX VA PSIXOLOGIYA FANI MISOLIDA). ***Haydarov Yu.H.*** .... 53

ИНСОНПАРВАР СИЙМО. ***Рахматова Х.Х.*** ..... 57
ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ БОЛЬШЕВИКЛАР ТОМОНИДАН «ПАНИСЛОМИЗМ»ДА АЙБЛАНИШИ. ***Рашидов О.Р.*** ..... 60
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА КАДРЛАР МАСАЛАСИ (1920-1930). ***Алимова М.М.*** ..... 63
YANGI EKIN NAVLARI JORIY ETILISHINING O`ZBEKISTON TARIXI FANIDA O`RGANISH MUAMMOLARI. ***Hayitov J.Sh.*** ..... 65
ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ. ***Султонова Л.С.*** ..... 68
«МИРЪОТУС СОЛИКИЙН» («ТАРИҚАТ СОЛИКЛАРИНИНГ ОЙНАСИ») АСАРИ – НАҚШБАНДШУНОСЛИКДА МУҲИМ МАНБА. ***Ражабов А.Ш.*** ..... 70
СОЦИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ. ***Мансурова М.Ю.*** ..... 74
«ҚУЛОҚ» ВА БАТРАК МУНОСАБАТЛАРИ (1920-1930 ЙИЛЛАР: ЗАРАФШОН ВОҲАСИ). ***Алимова М.М.*** ..... 78
BUYUK AJDODLARIMIZ MEROSI – YOSHLARGA IBRAT. ***Oripova M.Q.*** ..... 80
ТАРИХ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ». ***Каландарова Ф.А.*** ..... 83
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДАВРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИ. ***Алимова М.М.*** ..... 85
ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЛҚИНИДА. ***Ҳамроев С.С.*** ..... 89
ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ. ***Самиева Ш.Х., Худаярова Ф.О.*** ..... 91
МУТАФАККИР АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИДА МАМЛАКАТНИ ОБОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ. ***Бозоров Ш.С.*** ..... 93
ЭТИКО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЗАКАРИЯ АР-РАЗИ. ***Азимов А.А.*** ..... 95
БУХОРО ТАРИХИГА ОИД МАНЪБА. ***Каландарова Ф.А.*** ..... 97
TARIXIY XOTIRA – O`ZLIKNI ANGLASH ASOSI. ***Oripova M.Q.*** ..... 99
РУДАКИЙНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ. ***Азимов А.А.*** ..... 102

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН МОҲИЯТИ. ***Ўразов Б.Б.*** .... 104

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ГЕОДЕЗИЯ ВА МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАРИ ҲАҚИДА. ***Мирханова М.А., Абдуллаев М.Ш.*** .... 107

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ЙЎЛИДА БИР ҚАДАМ. ***Рахмонова М.*** .... 110

БУХОРОДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТАТАР УЛАМОЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ. ***Садуллаева В.*** .... 115

VATANIMIZDA AYOLLARGA E`TIBOR VA ULARNING JAMIYATDAGI O`RNI. ***Tag`oyeva D.N.*** .... 119

МИЛЛАТЛАРАРО ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК –АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ. ***Султонова Л.С., Ахроров А.*** .... 122

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – МИЛЛАТ ТИМСОЛИ. ***Каландарова Ф.А.*** .... 125

БУХОРО ВОҲАСИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР. ***Нафиддинова Х.Р.*** .... 127

ЖАМИЯТ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ДАВЛАТНИНГ БОШ МАҚСАДИ. ***Соҳибова Н.*** .... 130

ТАЪЛИМ – ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ. ***Равшанова Г.*** .... 133

JANUBIY KOREYA RESPUBLIKASI VA O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI O`RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR TAHLILI. ***Davronov O.*** .... 135

АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИДА ОИЛА МАСАЛАСИ. ***Тағоева Д.Н.*** .... 138

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА ПАҲЛАВОН МАҲМУД МЕРОСИНИНГ ЎРНИ. ***Каримов Б. Х., Жураева С.Р.*** .... 140

ЗОЛОТОШВЕЙНЫЕ ИЗДЕЛИЯ В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ ТУРИСТОВ. ***Турсунова З.Н., Мурадова М.М.*** .... 142

TARIXIY XOTIRA- O`ZBEKISTONDA YANGI UYG`ONISH DAVRI-UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINING ASOSI. ***Abdullayeva M.I.*** .... 145

БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА... ***Орзиев М.З., Мажидов С.*** ............ 149
«YANGI O`ZBEKISTONNING 2022-2026 YILLARGA MO`LJALLANGAN TARAQQIYOT STRATEGIYASI». ***Rajabov A.Sh., Murtazoev Sh.E.*** ............ 153
БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ. ***Салохов А., Қамариддинова Г.А.*** ............ 154
BOY TARIXIY MEROSIMIZ – YOSHLARDA O`QUV MOTIVLARINI SHAKLLANTIRISHNING OMILI. ***Azimova K.*** ............ 158
AMIR TEMUR – ILM VA FAN HOMIYSI. ***Raxmonova N.*** ............ 160
MAHALLIY XOM-ASHYO GILAM TO`QISH QURILMASINING TARIXI. ***Azimova G.A., Raximov Sh., Mo`minov M., Bozorov B.*** ............ 162
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЗАКАРИЯ АР-РАЗИ. ***Каюмова Л.Ш.*** ............ 165
OILA-NIKOH MUNOSABATLARINING TARIXIY ILDIZLARI: QIYOSIY TAHLIL. ***Rahmonov A.*** ............ 168
МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМ АҲМАД ДОНИШ ИЛМИЙ МЕЪРОСИ. ***Жураев У., Каримов Б.Х.*** ............ 170
XALQ MAROSIMLARINING MILLIY MA`NAVIYATIMIZDA TUTGAN O`RNI. ***Qamariddinova G.*** ............ 173
XORAZMSHOHLAR SULOLASI ASOSCHISI: ANUSHTAGIN GARCHOYI. ***Boltayev B., Rasulov O.*** ............ 175
ГИЛАМ ТЎҚИШДА ЖУН ТОЛАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ. ***Азимова Г.А.*** ............ 179
БУЮК МАТЕМАТИК ОЛИМ. ***Тоғаева С.Р.*** ............ 182
BIOSFARA TA`LIMOTI XUSISUDA. ***Qilicheva Yu.S.*** ............ 184
TO`QIMACHILIK SANOATINI MALAKALI MUTAXASISLAR BILAN TA`MINLASH. ***Utayeva F.X.*** ............ 186
ЎРТА ОСИЁЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИДА ГЕОМЕТРИК ЯСАШЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИ. ***Мирханова М.А., Рахмонов А.А.*** ............ 188
ТАСАВВУФ ТАРИҚАТИ. ***Саидова Х.Х., Улуғова Н.О.*** ............ 191
ALI QUSHCHI HAYOTIDAN LAVHALAR. ***Shoyimova G.S.*** ............ 193
AMIR TEMUR TARIXINI O`QITISHDA YANGI PEDAGOGIK YONDASHUVLAR. ***Xo`jamurodova M.L., Tog`ayeva D.*** ............ 194

ADAM SMIT TA`LIMOTIDA MEHNAT TAQSIMOTI MASALASI. ***Sharipova M.N.*** .......... 197
АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРИ. ***Ражабова З.*** .......... 199
ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ. ***Тўхтаева М.Ж.*** .......... 202
НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЯ АВИЦЕННЫ. ***Каюмова Л.Ш.*** .......... 204
БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАХС МАЪНАВИЯТИ ХУСУСИДА. ***Очилов И.Қ.*** .......... 206
ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР. ***Содикова Ф.*** .......... 208
КАЙКОВУСНИНГ АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ. ***Очилов И.Қ.*** .......... 210
ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ. ***Содикова Ф.*** .......... 212
ОБ ИСТОРИИ АНГЛИЙСКОЙ ФИЛОЛОГИИ. ***Хамраева З.Ҳ.*** .......... 214
XIVA XONLIGIDA DAVLAT BOSHQARUV TIZIMI. ***Choriyeva N.*** .......... 215
MAMLAKATIMIZDA ZIYORAT TURIZMINING RIVOJI. ***Shoyimova G.*** .......... 217
ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ УИЛЬЯМА ШЕКСПИРА. ***Хамраева З.Ҳ.*** .......... 219

**Мақолаларда келтирилган ихтибослар (цитаталар) ва мақолалар мазмуни учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида.**

Компьютерда саҳифаловчи: